



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 2/2 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 2/2

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 2/2



ТОШКЕНТ-2026

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№2/2 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-2/2>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

**Umarxonova Dildora Sharipxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

**Mexmonov Kambariddin Miradxamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

**Borut Strazisar**  
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


<b>1. Мухамедов Хайдарали Мелиевич</b> ЎРТА АСРЛАР ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲУҚУҚҚА ТАЪСИРИ: ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	5
<b>2. Мирзаев Файзулла Ибодуллаевич</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲОТЛАР ШАРОИТИДА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	14
<b>3. Авлиякулова Матлуба Авазовна</b> КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	22
<b>4. Baratov Mirodiljon Xomudjonovich, Akramxodjayev Bori Toxtaxodjayevich</b> TURISTIK MAHSULOTNING XUSUSIYATLARI VA BU SOHADAGI RAQOBATBARDOSHLIK.....	29
<b>5. Ergasheva Shohista O'ktam qizi</b> KRIPTOVALYUTALARNING TRANSFER JARARAYONIDA QO'LLANILADIGAN HUQUQ MASALASI.....	39
<b>6. Абжалов Абдижаббор Махаммадиевич</b> ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ.....	46
<b>7. Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич</b> ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЧЕГАРАЛАРИ.....	54
<b>8. Matkarimov Qudrat Qalandarovich</b> ISHKI ISHLAR ORGANLARIDA QONUNLAR IJROSI USTIDAN PROKUROR NAZORATINING O'ZIGA HOS HUSUSIYATLARI.....	62
<b>9. A'zamov Akbarxon Izzatbek o'g'li</b> QASDDAN TO'LOVGA QOBILIYATSIZLIKKA OLIB KELISHNING JINOIY-HUQUQIY JINATLARI, O'XSHASH JINOYATLARDAN FARQLI TOMONLARI HAMDA XORIJIY TAJRIBA.....	70
<b>10. Хамидов Нурмухаммад Ориф угли</b> ТОРГОВЛЯ ЛЮДЬМИ КАК ФОРМА ТРАНСНАЦИОНАЛЬНОЙ ОРГАНИЗОВАННОЙ ПРЕСТУПНОСТИ: ПОНЯТИЕ, СОЦИАЛЬНАЯ ОПАСНОСТЬ И УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ.....	77
<b>11. Kurbanov Ma'rufjon Mamadaminovich</b> SUN'IY INTELLEKTDAN JINOIY MAQSADDA FOYDALANISHNING JINOYAT-HUQUQIY TAVSIFI, IJTIMOIY-HUQUQIY MONIYATI.....	85
<b>12. Насруллаев Фирдавс Сухробович</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭКСТРАДИЦИЯ ЖАРАЁНИДА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎРНИ ВА ИДОРАЛАРАРО ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	92



**Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич,**  
Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
E-mail: gaybullaev1983@bk.ru

## ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЧЕГАРАЛАРИ

**For citation:** Gaibullaev Farrukh Yuldashevich. PUBLIC CONTROL IN THE ACTIVITIES OF THE PROSECUTOR'S OFFICE AND ITS LEGAL BOUNDARIES. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 2/2.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18839308>

### АНОТАЦИЯ

Мақолада прокуратура органлари фаолиятида жамоатчилик назорати, прокурорларнинг мустақиллиги ва ҳисобдорлиги масалалари ҳамда уларнинг ҳуқуқий-демократик давлатдаги роли таҳлил қилинади. Жамоатчилик назорати фуқаролар, нодавлат ташкилотлар ва бошқа жамият субъектлари томонидан прокуратуранинг қонунийлик, одиллик, шаффофлик ва ҳисобдорлик принципларига риоя этилишини таъминлайди. Мақолада прокуратуранинг мустақиллиги билан жамоатчилик назорати ўртасидаги мувозанат, халқаро тажриба (Европа, Германия, Нидерландия, Франция), БМТ ва Европа Кенгаши стандартлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги таҳлили асосида муҳокама қилинади. Шу билан бирга, прокурорлар фаолияти устидан суд орқали назорат ва процессуал чекловлар механизмлари, жамоатчилик босими ва сиёсий аралашувнинг чекланиши муҳимлигини кўрсатади. Мақола прокуратура мустақиллиги ва ҳуқуқий ҳисобдорлик ўртасидаги мувозанатни таъминлашнинг замонавий ҳуқуқий давлат учун аҳамиятини таъкидлайди.

**Калит сўзлар:** прокуратура, жамоатчилик назорати, прокурор мустақиллиги, ҳисобдорлик, қонунийлик, ҳуқуқий давлат, суд назорати, процессуал чекловлар, халқаро стандартлар.

**Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич,**  
Доктор философии (PhD) по юридическим наукам  
E-mail: gaybullaev1983@bk.ru

## ОБЩЕСТВЕННЫЙ КОНТРОЛЬ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ И ЕГО ПРАВОВЫЕ ГРАНИЦЫ

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются вопросы общественного контроля за деятельностью органов прокуратуры, независимости и подотчетности прокуроров, а также их роль в правовом и демократическом государстве. Общественный контроль осуществляется гражданами, неправительственными организациями и другими субъектами общества с целью обеспечения соблюдения прокуратурой принципов законности, справедливости, прозрачности и подотчетности. В статье рассматривается баланс между независимостью прокуратуры и

общественным контролем, анализируется международный опыт (Европа, Германия, Нидерланды, Франция), стандарты ООН и Совета Европы, а также законодательство Республики Узбекистан. Также обсуждаются механизмы судебного контроля и процессуальные ограничения, ограничение давления со стороны общества и политического вмешательства. Статья подчеркивает значимость поддержания баланса между независимостью прокуратуры и правовой подотчетностью для современного правового государства.

**Ключевые слова:** прокуратура, общественный контроль, независимость прокурора, подотчетность, законность, правовое государство, судебный контроль, процессуальные ограничения, международные стандарты.

**Gaibullaev Farrukh Yuldashevich,**  
 Doctor of Philosophy (PhD) in Law  
 E-mail: gaibullaev1983@bk.ru

## PUBLIC CONTROL IN THE ACTIVITIES OF THE PROSECUTOR'S OFFICE AND ITS LEGAL BOUNDARIES

### ANNOTATION

The article examines the issues of public oversight of the activities of prosecution authorities, the independence and accountability of prosecutors, and their role in a legal and democratic state. Public oversight is carried out by citizens, non-governmental organizations, and other societal actors to ensure that the prosecution adheres to the principles of legality, fairness, transparency, and accountability. The article discusses the balance between prosecutorial independence and public oversight, analyzes international experience (Europe, Germany, the Netherlands, France), UN and Council of Europe standards, and the legislation of the Republic of Uzbekistan. It also highlights mechanisms of judicial control and procedural limitations, as well as the restriction of public pressure and political interference. The article emphasizes the importance of maintaining the balance between prosecutorial independence and legal accountability for a modern rule-of-law state.

**Keywords:** prosecution, public oversight, prosecutorial independence, accountability, legality, rule of law, judicial control, procedural limitations, international standards.

Прокуратура органлари фаолиятида жамоатчилик назорати — бу фуқаролар, нодавлат ташкилотлар ва бошқа жамоатчилик субъектлари томонидан прокуратуранинг қонунийлик, адолат, шаффофлик ва ҳисобдорлик принципларига риоя этилиши устидан амалга ошириладиган назоратдир. Ушбу назорат давлат мустақиллиги, суд-ҳуқуқий демократик тизим ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда давлат органлари билан бирга жамоатчиликнинг иштирок этиши жамиятда келажакка ишонч ва адолатни мустаҳкамлайди.

Илмий адабиётларда тўғри таъкидланганидек, ривожланган жамиятда ўзини-ўзи тийиб турувчи жамоатчилик назорати институтлари самарали фаолият кўрсатиши натижасида мамлакатимизда прокуратуранинг “умумий назорати”га зарурат қолмайди.[1]

Прокуратура органлари демократик ҳуқуқий давлатда икки қарама-қарши, аммо ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги талаб ўртасида фаолият юритади:

биринчиси, прокуратура мустақиллиги — қонун устуворлиги, одил судлов ва жиноий таъқибнинг ҳолислигини таъминлаш шарти;

иккинчиси, жамоатчилик назорати ва ҳисобдорлик — прокуратура фаолиятининг қонунийлиги, очиқлиги ва жамият ишончи учун зарур механизм.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда прокуратура институтининг мустақиллиги ва унинг демократик ҳисобдорлиги ўртасидаги мувозанат масаласи замонавий конституционализм ва халқаро ҳуқуқ назариясининг энг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ ва суд-ҳуқуқ назариясида прокуратура ва бошқа давлат органларининг мустақиллиги ҳамда жамоатчилик назорати ўртасидаги мувозанат жиҳатида функционал

мустақиллик ва жамоатчилик ҳисобдорлиги (functional independence with public accountability) модели кенг қўлланилади.[2]

Таъкидлаш жоизки, бир нечта йирик ҳуқуқшунос олимларнинг ишларида “прокуратура — кучли давлат ва ҳуқуқий давлат ўртасидаги чегара институти” деган концептуал ёндашув шаклланди.[3] Бинобарин, прокуратура органлари давлатнинг хавфсизликни таъминлашга қаратилган эҳтиёжи (“кучли давлат”) билан шахснинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш (“ҳуқуқий давлат”) ўртасида мувозанатни таъминловчи муҳим “чегара институти” сифатида фаолият юритади.

Прокуратура жинойи одил судлов тизимида “фильтр” ва “кафолатчи” вазифасини бажариб, қонунийликни таъминлайди, тергов органлари фаолияти устидан назоратни амалга оширади ҳамда жамоат манфаатларини ифода этади. Шу орқали прокуратура ижро ҳокимиятининг мажбурлов ваколатларини ҳуқуқий давлат тамойиллари билан уйғунлаштиради.

Прокуратура бир вақтнинг ўзида давлатнинг мажбурлов ваколатларини амалга оширади, инсон ҳуқуқларининг ҳимоячиси сифатида намоён бўлади. Шу сабабли, унинг чекланмаган мустақиллиги — “прокурор ихтиёрийлиги” (prosecutorial discretion abuse) хавфини туғдиради, лекин ортиқча иерархик ёки сиёсий назорат эса уни репрессив аппаратга айлантириши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам мувозанат ҳуқуқий демократик давлатнинг ўзаги ҳисобланади.

М.Каппеллетти давлат ҳокимиятининг кучли ваколатлари институционал кафолатлар билан мувозанатланмаса, ҳуқуқий давлат емирилишини таъкидлайди.[4] Прокуратура эса айнан давлат мажбурлов механизмини ҳаракатга келтирувчи, бир вақтнинг ўзида уни чекловчи институт сифатида намоён бўлади. Демак давлатни икки идеал моделга ажратади: Hierarchical (policy-implementing state) — кучли, марказлашган давлат; coordinate (conflict-resolving state) — ҳуқуқий, процессуал давлат. Прокуратура айнан шу икки модель кесишган нуқтада жойлашган.[5]

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди доктринасида прокурорнинг асосий позицияси шундан иборатки, унга кўра, прокуратура органлари кўпинча ижро этувчи ҳокимият таркибий қисми ёки маъмурий орган сифатида тавсифланади. Бироқ, прокурорлар томонидан қабул қилинадиган қарорлар (айблов эълон қилиш, ушлаб туриш, шахс эркинликларини чеклаш каби) инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита таъсир кўрсатиши сабабли, улар қатъий процессуал чекловлар доирасида фаолият юритиши лозим. Прокурорлар қонун устуворлигини таъминлаш, ҳолисликка риоя қилиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Шу маънода, улар ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан ҳуқуқий чеклов ва мувозанат вазифасини бажарадиган институт сифатида намоён бўлади.[6]

БМТнинг “Прокурорлар роли тўғрисидаги қўлланмаси” (1990) прокурорларнинг касбий мустақиллигини асосий тамойил сифатида белгилайди (4–6-бандлар),[7] бироқ шу билан бирга уларнинг жамият олдида ҳисобдорлиги инкор этилмайди.

Прокуратура фаолиятида жамоатчилик назоратининг асосий ҳуқуқий чекловларига қуйидагилар киради:

**1) Аралашувни тақиқлаш тамойили.** Унга кўра, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ёки сиёсий кучлар томонидан жиноят ишлари бўйича амалга оширилаётган тергов ёки суд муҳокамаларига босим ўтказилиши прокурорларнинг холислигини, объективлик ва қонунийлик асосида қарор қабул қилишини таъминлаш мақсадида қатъий чекланади. Бунинг натижасида тергов ва суд жараёнларида сиёсий, ижтимоий ёки медианинг босими натижасида қарорлар қабул қилинишининг олди олинади.

Халқаро прокурорлар ассоциацияси томонидан 1999 йил 23 апрелда қабул қилинган “Прокурорлар касбий масъулият стандартлари ва прокурорларнинг асосий мажбуриятлари ва ҳуқуқлари баёни”да белгиланишича, прокурорлар фаолиятининг асосий принциплари қаторида аралашмаслик (non-interference) тамойили белгиланган, Унга кўра, прокурорлар

ташқи босимдан, сиёсий ёки фуқаролар таъсиридан холи фаолият юритиши лозим. Жамоатчилик назорати ва очиқлик принциплари бу тамойилга зид бўлмаслиги керак.[8]

Европа иқтисодий ҳамкорлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Жамоат ҳалоллиги бўйича қўлланмаси (OECD Public Integrity Handbook) ва Европа қонунчилигига мувофиқ, прокурорлар фаолиятига сиёсий ва ижтимоий аралашувни чеклаш адолат ва қонунийликни таъминлайди. Бу ерда функционал мустақилликни сақлаш ҳамда жамоатчилик ҳисобдорлигини таъминлаш каби мувозанатни сақлаш муҳим ҳисобланади. Лекин жиноят ишларига таъсир қилиш ёки босим ўтказиш қатъий тақиқланади.[9]

Ўзбекистонда “Прокуратура тўғрисида”ги қонун ва “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун билан юқоридаги тамойил қонуний асосда белгиланган бўлиб, прокурорлар тергов ва суд жараёнида сиёсий, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг аралашувидан холи фаолият юритади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддаси бешинчи қисмига кўра, прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадилар. Прокуратура органларининг фаолиятига аралаштириш тақиқланади.[10]

Жамоатчилик назорати механизмлари фақат қонун доирасида, очиқ ҳисоботлар ва мониторинг орқали амалга оширилади.

**2) Мустақиллик билан боғлиқ чекловлар.** Прокуратура органлари очиқлик ва шаффофлик тамойилларига амал қилган ҳолда иш юритиши мумкин бўлса-да, улар ўз асосий ваколатларини амалга оширишда ижро этувчи ёки қонун чиқарувчи ҳокимиятга бўйсунмайди.

Прокуратура органларининг мустақиллиги мутлақ тусга эга эмас, балки конституциявий ва функционал чекловлар доирасида амалга ошириладиган институционал мустақиллик сифатида намоён бўлади. Шу маънода, халқаро ҳуқуқ назарияси ва замонавий давлат-ҳуқуқ концепцияларида прокуратура-нинг мустақиллиги очиқлик ва шаффофлик принциплари билан уйғун ҳолда, бироқ ижро этувчи ёки қонун чиқарувчи ҳокимиятга иерархик бўйсунмасдан таъминланиши лозим деб қаралади.

Илмий адабиётлар таҳлили ҳам кўпчилик олимлар прокуратура органлари идоравий тегишлилигидан қатъи назар мустақил ва ўзига хос ўринга эгаллигини таъкидлайдилар.[11] Хусусан, ҳуқуқшунос олим ва амалиётчи А.Махмудовнинг фикрича, бу мустақиллик энг аввало одил судловга кўмаклашиш, давлат айбловини қўллаб-қувватлаш ва қолаверса, давлат бошқарув органлари (ижро ҳокимияти) фаолиятида қонунлар ижросини назорат қилиш учун зарурий бир ҳокимиятдир.[1-142 б]

Прокуратура органлари мустақиллигининг конституциявий моҳияти шундаки, прокуратуранинг мустақиллиги, аввало, унинг жиноят ишларини кўзғатиш, жиноят таъқибини амалга ошириш, айбловни қўллаб-қувватлаш, қонунийлик устидан назорат қилиш каби асосий ваколатларини амалга ошириш жараёнида ташқи ҳокимият органларининг кўрсатмаларига бўйсунмаслигини англатади.

Европа Кенгашининг Венеция комиссияси таъкидлаганидек, прокуратура ўзининг асосий функцияларини амалга оширишда ижро ҳокимиятига бўйсунмаслиги керак, гарчи у умумий жавобгарлик механизмларига бўйсунмиши мумкин.[12]

Айниқса, Бош прокурорни тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш механизмлари орқали институционал мустақилликка таъсир кўрсатиш эҳтимоли юқори бўлгани сабабли, ушбу жараён халқаро эксперт органлари, жумладан Европа Кенгаши қошидаги Демократия орқали ҳуқуқни таъминлаш бўйича комиссия (Венеция комиссияси) томонидан доимий таҳлил қилиб келинмоқда.

Венеция комиссияси Бош прокурорни тайинлаш жараёнида жамоатчилик иштирокини таъминлаш масаласини демократик легитимлик ва ҳисобдорлик-нинг муҳим институционал элементи сифатида қараб келади. Комиссия таъкидлашича, бундай иштирок тўғридан-тўғри сиёсий таъсир шаклида эмас, балки маслаҳатчи ва баҳоловчи механизмлар орқали амалга оширилиши лозим. Бинобарин, Венеция комиссияси қуйидагилардан иборат маслаҳатчи муҳитни шакллантиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди:

- ҳуқуқшунос олимлар ва илмий муассасалар;
- прокурорлар ва судьялар корпуси;
- адвокатура ва юридик профессионал уюшмалар;
- фуқаролик жамияти институтлари.

Бу каби ёндашув Германия ва Нидерландия амалиётида яққол намоён бўлади. Германияда Федерал адлия суди ҳузуридаги Федерал Бош прокурор ҳамда федерал прокурорлар Федерал Адлия вазирлиги томонидан Федерал кенгаш (Bundesrat) розилиги билан тақдим этилади ва Федерал Президент (Bundespräsident) томонидан лавозимга тайинланади (§ 149 GVG).[13] Бироқ германиялик олим Майкл Жашнинг фикрича, демократик давлатлар прокурорларнинг адолатли ва сиёсий таъсирлардан ҳоли равишда ўз вазифаларини бажаришини кафолатлаб бериши лозим. Ҳукуматнинг алоҳида ишлар бўйича тўғридан-тўғри кўрсатма бериш ҳуқуқи бу мақсадга таҳдид солиши, шунингдек, жиноий одил судлов тизими обрўси ва жамоатчилик қабул қилинишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Германияда мавжуд бўлган бундай ҳуқуқ имкон қадар тезроқ бекор қилиниши керак.[14]

Нидерландияда эса прокуратура раҳбариятини тайинлашда мустақил маслаҳат кенгашлари ва очик профессионал баҳолаш амалиёти мавжуд.[15]

М.Каппеллеттининг таъкидлашича, “жамоатчилик иштироки мустақил-ликни заифлаштирмайди, аксинча унинг ижтимоий легитимлигини мустаҳкамлайди”.[4]

Венеция комиссияси ўз хулосаларида прокуратура органлари мустақиллигини таъминлашда бир томонлама сиёсий назоратнинг олдини олиш, тайинлаш ва озод қилиш жараёнларини институционал жиҳатдан мувозанатлаштириш, жамоатчилик ва касбий жамоанинг иштирокини таъминлаш масалаларига алоҳида урғу беради. Бу ёндашув прокуратуранинг ижро этувчи ҳокимият аппаратининг бир қисми эмас, балки қонунийликни таъминловчи мустақил институт сифатида қарашга асос бўлади. Ҳуқуқшунос олим А.А.Махмудов ҳам ўз илмий ишида прокуратура органларида ходимларни танлаш ва тайинлашда, уларнинг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларининг Ахлоқ кодексига риоя этишларини таъминлашда коллегиял органлар ролини кучайтириш мақсадида Малака кенгаши ва Одоб-ахлоқ кенгаши фаолиятини йўлга қўйиш, прокурорларни тайинлаш ва лавозимидан озод этишда халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклифларни илгари сурган.[1-260 б]

**3) Процессуал чекловлар.** Ҳуқуқий давлат шароитида прокуратура органлари фаолиятининг қонунийлиги ва асослилиги устидан самарали назорат механизмларини таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, прокуратура органлари қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилиш масаласи давлат ҳокимиятининг мажбурлов ваколатлари билан шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, бундай шикоятлар фақат қонунда белгиланган процессуал тартибда, хусусан маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчилик нормаларига мувофиқ амалга оширилиши зарур. Бевосита жамоатчилик аралашуви ёки босимига йўл қўйиш эса ҳуқуқий давлат принципларига зид ҳолат сифатида баҳоланади.

Илмий адабиётларда таъкидланганидек, прокуратура – давлат номидан жиноят таъқибини амалга оширувчи ва қонунийликни таъминловчи махсус институт бўлиб, унинг қарорлари кўп ҳолларда шахснинг фундаментал ҳуқуқларига бевосита таъсир кўрсатади. М.Каппеллеттининг фикрича, “давлатнинг мажбурлов ваколатлари қанчалик кучли бўлса, улар устидан суд назорати ҳам шунчалик мустаҳкам бўлиши шарт”.[4]

Шу нуқтаи назардан, прокурорнинг қарорлари устидан шикоят қилиш институти прокуратура мустақиллигини чеклаш эмас, балки унинг ҳуқуқий ва процессуал чегараларда амал қилишига хизмат қилувчи кафолат сифатида қаралади.

Шунинг учун ҳам илмий адабиётларда суд орқали назорат — ягона легитим механизм эканлиги кўп бор таъкидланади. Хусусан, суд назорати тамойилининг жорий этилиши жараён иштирокчиларининг ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлайди, уларни мансабдор шахслар ва жиноий таъқиб қилиш функциясини бажарадиган органларнинг ноқонуний

ҳаракатларидан ҳимоя қилади. Суд назорати институтининг кенгайиши жиноят процессида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумэтироф этилган халқаро стандартларини жорий этиш имконини беради.[16]

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди амалиётида ҳам давлат органлари, жумладан прокуратура қарорлари устидан шикоят қилиш мустақил ва холис суд органи орқали амалга оширилиши кераклиги таъкидланади.[17]

Маъмурий суд ишларини юритиш тартиби эса қарор қабул қилиш жараёнининг қонунийлигини, ваколатдан четга чиқилмаганини, процессуал ҳуқуқлар бузилмаганини текширишга қаратилган бўлиб, айнан шу жиҳатлари билан у жамоатчилик босими ёки сиёсий таъсирдан фарқ қилади.

Илмий нуқтаи назардан, прокуратура қарорларига нисбатан бевосита жамоатчилик аралашуви бир қатор салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, Х. Пакернинг “due process model” концепциясига кўра, ҳар қандай жиноят-процессуал қарор ҳуқуқий процедуралар доирасида қабул қилиниши лозим.[18] Яна бир хорижлик олим Т.Гинсбург таъкидлаганидек, ҳисобдорлик суд ва қонун орқали таъминланмаса, у популист босим шаклига айланиб, ҳуқуқий давлатни заифлаштиради.[19]

Ҳуқуқий давлат тамойилининг асосий мезонларидан бири — давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг қонун асосида амалга оширилиши ва уларнинг қарорлари устидан самарали, институционал назорат механизмларининг мавжудлигидир. Шу нуқтаи назардан, прокуратура органларининг қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилиш тартиби алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ бу назорат жамоатчилик ёки парламентнинг бевосита аралашуви эмас, балки қонунда белгиланган процессуал механизмлар орқали амалга оширилиши лозим. Германия Федератив Республикаси тажрибаси мазкур масалада классик ҳуқуқий давлат модели сифатида хизмат қилади. Унда прокуратура қарорлари устидан шикоят қилиш суд ёки юқори турувчи прокурор орқали амалга оширилади, аммо алоҳида ишларга нисбатан жамоатчилик ёки парламент босими қатъий рад этилади.

Германияда прокуратура фаолиятини тартибга солувчи асосий манбалар Германия Асосий Қонуни (Grundgesetz), Жиноят-процессуал кодекс (Strafprozessordnung — StPO), Федерал ва ер (Länder) қонунлари ҳисобланади. Германия Жиноят-процессуал кодексининг 172-моддасига мувофиқ, жиноят ишини кўзғатишдан бош тортилган тақдирда манфаатдор шахс айбловни мажбурий кўзғатиш тартиби орқали судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.[20] Шу билан бирга, прокуратура иерархик тизимга эга бўлгани сабабли, қарорлар устидан юқори турувчи прокурорга хизмат тартибида шикоят қилиш имконияти мавжуд.

Муҳим жиҳат шундаки, ушбу механизмлар фақат процессуал-ҳуқуқий доирада амал қилади ва жамоатчилик ёки сиёсий органларнинг алоҳида ишга аралашуви истисно қилинади.

Немис олими Клаус Роксин (Claus Roxin) прокуратурани “жиноят адолатининг дарвозабони” сифатида тавсифлаб, унинг қарорлари устидан назорат фақат процессуал қонун доирасида бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, жамоатчилик босими адолатли айблов юритиш тамойилига зид келади.[21]

Франция ҳуқуқ тизимида прокуратура органлари институционал жиҳатдан ижро ҳокимияти тизимига яқин ҳисобланади. Франция Конституциясига мувофиқ, прокуратура Адлия вазирига иерархик боғланган бўлиб, бу ҳолат узоқ вақт давомида унинг мустақиллиги масаласида илмий баҳсларга сабаб бўлиб келган. Бироқ шу билан бирга, француз ҳуқуқ доктринасида прокуратура “магистратуранинг алоҳида тармоғи” сифатида қаралади ва у суд ҳокимияти доирасида жинойи одил судловни таъминловчи институт сифатида фаолият юритади. Бу иккиёклама табиат прокуратура қарорлари устидан назорат механизмларида яққол намоён бўлади.

Прокуратура қарорлари устидан шикоят қилишнинг процессуал тартибига тўхталдиган бўлсак, Францияда прокуратура қарорлари, хусусан: жиноят ишини кўзғатишдан бош тортиш, иш юритишни тугатиш, жиноят таъқибини давом эттириш устидан шикоят қилиш фақат суд орқали, аниқроқ айтганда, тергов судьяси ёки ваколатли суд инстанциясига мурожаат қилиш йўли билан амалга оширилади.

Франция Жиноят-процессуал кодекси (Code de procédure pénale) 40-<sup>1</sup> ва 85-моддаларига мувофиқ, жабрланувчи шахс прокуратура қароридан норози бўлган тақдирда суд орқали жиноят таъқибини бошлаш ташаббусини кўтариши мумкин. Бу ҳолатда прокуратура қарорининг қонунийлиги ва асосланганлиги суд томонидан баҳоланади, жамоатчилик фикри эса процессуал аҳамиятга эга бўлмайди.[22]

Европа Иттифоқи прокуратураси фаолиятида ҳам қарорлар устидан шикоят қилиш Европа Иттифоқи судлари юрисдикцияси доирасида амалга оширилади. Бу масалада жамоатчилик назорати эмас, суд орқали ҳуқуқий ҳисобдорлик устувор ҳисобланади.

Германия ва Франция каби ривожланган давлатлар ҳамда Европа Иттифоқи тажрибаси ва халқаро стандартлар таҳлили шуни кўрсатадики, прокуратура қарорлари устидан шикоят қилишнинг самарали механизми ҳуқуқий давлатнинг зарур элементи ҳисобланади. Бироқ мазкур механизм фақат қонунда белгиланган процессуал тартибда — суд ёки юқори турувчи прокурор орқали амалга оширилиши лозим. Жамоатчилик ёки парламентнинг алоҳида ишга аралашуви эса ҳокимиятлар бўлиниши ва одил судлов принципларига зид ҳисобланади.

Шу маънода, прокуратура мустақиллиги ва қонуний ҳисобдорлик ўртасидаги мувозанатни сақлаш — замонавий ҳуқуқий давлатнинг энг нозик, аммо ҳал қилувчи вазифаларидан биридир.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Махмудов А.А. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. -Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси. 2025. – 86 бет. (Makhmudov A.A. Improving the Organizational and Legal Foundations of the Prosecutor's Office Activities in the Republic of Uzbekistan // Dissertation prepared for obtaining the degree of Doctor of Science in Legal Sciences. -Tashkent. Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan. 2025. - 86 pages.)
2. Ginsburg T. Judicial Review in New Democracies: Constitutional Courts in Asian Cases. Cambridge University Press, 2003.
3. Makhmudov A.A. Legal status of the prosecutor's office as a state body. The American Journal of Political Science Law and Criminology, (2024). 6(12), 47–53.; <https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume06Issue12-09>; Mariarosaria Guglielmi. The independence of prosecutors in europe: where are we going? Ponta Delgada, March 2, 2024.; Babajanov S.A. Issues of Improving the Role of the Prosecutor's Office in Public Administration and the Legal Basis of its Activities // American Journal of Public Diplomacy and International Studies Volume 02, Issue 08, 2024 ISSN (E):2993-2157
4. Cappelletti M. Who Watches the Watchmen? The American Journal of Comparative Law Vol. 31, No. 1 (Winter, 1983), pp. 1-62 (62 pages) Published By: Oxford University Press.
5. Damaška, M. The Faces of Justice and State Authority // [https://api.pageplace.de/preview/DT0400.9780300191288\\_A23633838/preview-9780300191288\\_A23633838.pdf](https://api.pageplace.de/preview/DT0400.9780300191288_A23633838/preview-9780300191288_A23633838.pdf)
6. Consultative council of european prosecutors (CCPE). Opinion No.9 (2014) of the Consultative Council of European Prosecutors to the Committee of Ministers of the Council of Europe on European norms and principles concerning prosecutors. Strasbourg, 17 December 2014 // <https://rm.coe.int/168074738b#:~:text=Definition%20of%20a%20prosecutor,national%20legal%20system%20so%20provides.>
7. Guidelines on the Role of Prosecutors // <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/guidelines-role-prosecutors>
8. Standards of professional responsibility and statement of the essential duties and rights of prosecutors adopted by the International Association of Prosecutors on the twenty third day of April 1999 // <https://www.icj.org/wp-content/uploads/2014/03/IAP-Standards-of-professional-responsibility-duties-rights-prosecutors-instruments-1999-eng.pdf>

9. OECD Public Integrity Handbook. OECD (2020), OECD Public Integrity Handbook, OECD Publishing, Paris, <https://doi.org/10.1787/ac8ed8e8-en>
10. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни (Law of the Republic of Uzbekistan “On the Prosecutor's Office”) // <https://www.lex.uz/acts/106197#106217>
11. Ашурбеков Т.А. Правовые и организационные основы надзорной и иной функциональной деятельности прокуратуры в сфере национальной безопасности: дис. ... докт. юрид. наук. – М., 2009. – С. 108. (Ashurbekov T.A. Legal and Organizational Foundations of Supervisory and Other Functional Activities of the Prosecutor's Office in the Field of National Security: Diss.... Doctor of Juridical Sciences. - M., 2009. - P. 108.)
12. Report on European standards as regards the independence of the judicial system: Part II – the prosecution service. Adopted by the Venice Commission at its 85th plenary session (Venice, 17-18 December 2010). Strasbourg, 3 January 2011. Study N° 494 / 2008. CDL-AD (2010)040.
13. Gerichtsverfassungsgesetz (GVG) // [https://www.gesetze-im-internet.de/gvg/\\_149.html](https://www.gesetze-im-internet.de/gvg/_149.html)
14. Майкл Жаш. Германияда прокуратура ва сиёсат: мустақиллик учун кураш. Прокурорларга босимнинг кучайиши: Германиядан сўнги мисоллар. Давлат бошқаруви ва бошқаруви учун амалий фанлар университети. Гелзенкирхен, Германия (Michael Jash. Prosecutor's Office and Politics in Germany: Struggle for Independence. Increased pressure on prosecutors: recent examples from Germany. University of Applied Sciences for Public Administration and Management. Gelzenkirchen, Germany) // [https://www.researchgate.net/publication/329026302\\_Prosecution\\_and\\_Politics\\_in\\_Germany\\_The\\_Struggle\\_for\\_Independence](https://www.researchgate.net/publication/329026302_Prosecution_and_Politics_in_Germany_The_Struggle_for_Independence)
15. Independence of the European Public Prosecutor’s Office in the context of the appointment procedures // Balázs Márton <https://orcid.org/0000-0001-5485-3509> Marton.Balazs@uni-nke.hu View all authors and affiliations. Volume 15, Issue 2 // <https://doi.org/10.1177/20322844241228721>
16. Людмила Югай Л., Хўжаев Ш. “Суд назорати институти”: янгиланаётган Конституциядаги бу тушунча нимани англатади? (Lyudmila Yugay L., Khodzhaev Sh. "Institute of Judicial Control": what does this concept mean in the updated Constitution?) // <https://sudyalaroliykengashi.uz/uz/news/625#!>
17. Kudla v. Poland, 2000; Menchinskaya v. Russia, 2009.
18. Herbert L. Packer. The Limits of the Criminal Sanction // <https://www.repository.law.indiana.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=2512&context=ilj>
19. Aziz Huq, Tom Ginsburg. How to Save a Constitutional Democracy, 2018 // <https://scispace.com/pdf/how-to-save-a-constitutional-democracy-5g7brheqqc.pdf>
20. Strafprozeßordnung // <https://www.gesetze-im-internet.de/stpo/>
21. Claus Roxin. Strafverfahrensrecht Ein Studienbuch. Juristische Kurzlehrbücher. Verlag: C.H.Beck Recht - Wirtschaft - Steuern, München 2019.
22. Code de procédure pénale // [https://www.legifrance.gouv.fr/codes/texte\\_lc/LEGITEXT000006071154/](https://www.legifrance.gouv.fr/codes/texte_lc/LEGITEXT000006071154/)

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

## ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

### JOURNAL OF LAW RESEARCH

#### Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida qabul qilinadi va Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan bo'lishi shart. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
2. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni va e-mail, uchinchi qatorda sahafaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
3. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida kamida 60 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
4. Keyingi qatordan 6-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
5. Keyingi qatordan asosiy matn umimiy so'zi minimal 2000 ta bo'ladi.
6. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim va havolalar asosiy matnda bo'lishi kerak [1, B.25].
7. Maqolada keltirilgan dalillarning to'g'riligi uchun muallif mas'ul, plagiat holati taqiqlanadi.
8. Web of science, Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.

#### Требования к оформлению научной статьи:

1. Статья принимается на узбекском, английском и русском языках и должна быть оформлена в Microsoft Word шрифтом Times New Roman, размер 12, межстрочный интервал — 1, поля со всех сторон — 2 см. Абзацный отступ — 1,25 см; выравнивание по ширине и переносы слов должны быть включены автоматически.
2. В первой строке справа указываются фамилия, имя и отчество автора; во второй строке — место работы автора, должность, ученая степень и звание, а также e-mail; в третьей строке по центру страницы крупным и жирным шрифтом — название статьи. Эти сведения должны быть приведены на узбекском, английском и русском языках.
3. Ниже дается аннотация на узбекском, английском и русском языках, содержащая не менее 60 слов на каждом языке.
4. Далее приводятся 6–10 ключевых слов на узбекском, английском и русском языках.
5. Далее основной текст: общий объем текста должен быть не менее 2000 слов.
6. Полный список литературы должен быть приведен после основного текста в алфавитном порядке; ссылки должны присутствовать в основном тексте в формате [1, C.25].
7. Автор несет ответственность за достоверность приведенных в статье доказательств; плагиат запрещен.
8. Рекомендуется цитирование журналов из база данных Web of Science и Scopus.

#### Requirements of the articles submitted:

1. Articles are accepted in Uzbek, English and Russian and must be prepared in Microsoft Word using Times New Roman font, size 12, single line spacing, with 2 cm margins on all sides. First-line indent is 1.25 cm; text should be justified and word hyphenation/line breaks set to automatic.
2. In the first line on the right: the author's surname, given name and patronymic; in the second line: the author's affiliation, position, academic degree and title, and e-mail; in the third line centered on the page: the article title in bold and uppercase (or bold). These details must be provided in Uzbek, English and Russian.
3. Next, provide an abstract in Uzbek, English and Russian of at least 60 words in each language.
4. Next, provide 6–10 keywords in Uzbek, English and Russian.
5. Next, the main text: total word count must be at least 2000 words.
6. The full list of references must appear after the main text in alphabetical order, and citations should appear in the main text in the format [1, P.25].
7. The author is responsible for the accuracy of the evidence presented in the article; plagiarism is prohibited.
8. It is advisable to include citations from journals indexed in Web of Science and Scopus.